Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 96 (5. 987) • 1986 йил 25 апрель, жума • Баҳоси 3 тийин.

Замондошимиз



Ҳар соҳанинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, дейишади. Ҳақ гап. Аммо ҳар соҳанинг ўзига яраша гашти ҳам бор.

Даврон Аҳмедов «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида иқтисодий анализ ва фанни бошқариш лабораториясида мудир. Мақсади — фан ютуқларини замонавий ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, улардан унумлироқ фойдаланиш йўлларини аниқлаш.

Айни кунда мазкур лаборатория коллективи фан ва техника ютуқлари автомат бошқарув системаси орқали назорат қилиш йўлларини ишлаб чиқмоқда. Бу ердаги кузатув ишлари электрон-ҳисоблаш машиналаридан тўла фойдаланилган ҳолда олиб борилади.

Даврон Аҳмедов ишлаётган ижодий лаборатория ходимларининг меҳнат гаштига келса — у ҳаммамизга таниш туйғу. Камтарона хизматинг, изланиш ва қийналишлар эвазига элга нафинг тегаётганини ҳис этиш туйғуси.

Бор бўлсин, шу инсоний туйғу!

СУРАТДА: Даврон Аҳмедов.

В. Молгачев фотоси.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҲАЁТГА!

# 1 МАЙ ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

**Халқ хўжалиги меҳнатчилари! Беш йилликнинг энг бошиданоқ ишлаб чиқаришнинг аниқ маромига эришайлик, 1986 йилги план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарайлик!**

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Қурилишлар ҳашарга чорлайди

## «ВАЗ»ЛИКЛАРДАН НАМУНА ОЛИБ

**Волга автомобиль заводи ишчиларининг социал-маиший объектлар қурилишида тўрт бўш кунда ишлаб бериш бўйича бошланган хайрли ташаббуси «Таштекстильмаш» заводи машинасозлари, Фрунзе районининг бошқа коллективлари томонидан қўллаб-қувватланди.**

«Таштекстильмаш» заводи. Бу ерда замонавий йигирув ва ростлаш машиналари яратилади. Бу машиналарни республикамиз, мамлакатимиз ва чет эллардаги кўпгина тўқимачилик корхоналарида учратиш мумкин. Ишлаб чиқариш тинмай ривожланиб, юксалиб такомиллашиб боряпти. Машинасозлар коллективи кўпгина шонли ишлари ва ташаббуслари билан танилган. Шулардан бири ўз социал-маиший базасини юксалтиришда актив иштирок этишдир.

Ҳозир машинасозлар ихтиёрида медицина-санитария қисми, даволаш стационари, санаторий-профилакторий бор. Бу объектлар корхона яқинида жойлашган. Чорвоқ сув омбори бўйида 500 ўринли «Комсомолец» пионер лагери ишлаб турибди, Янгийўл районида дам олиш зонаси бор. Бугунги кунда завод ишчи ва хизматчилари бу социал-маиший объектлар фондидан кенг фойдаланишяпти. Уларнинг ҳаммаси бевосита машинасозларнинг қадоқ қўллари билан бунёд этилган.

Шу сабабли тольяттиликларнинг КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган бу йил шифохоналар, мактаблар ва бошқа объектларда камида тўрт кун ишлаб бериш бўйича ташаббуси «Таштекстильмаш»ликлар томонидан жанговар программа сифатида қабул қилинди. Бу ташаббус заводдагиларнинг айни кўнглидаги иш бўлди.

Бу ажойиб ташаббусни бўяш-ўраш цехи коллективи биринчи бўлиб қўллаб-қувватлади. Цехнинг кўпгина ишчилари ўз вақтида завод медицина-санитария қисмини, стационарини, санаторий-профилакторийни, пионер лагерни қуришган эди. Цех олдида унча катта бўлмаган теплица участкаси бунёд этилди. Бу ерда байрамларда, юбилейларда, социалистик мусобақа ғолибларини табриклашда ас қотадиган гуллардан ташқари, кашнич, петрушка, пиёз каби ошкўклар ҳам ўстирилади. Уларни ишчиларга бепул беришади.

— Булар ҳаммаси ўзимизнинг қўлимиз билан яратилган, — деди кеча коллектив йиғилишида ишлаб чиқариш ветерани, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган енгил саноат ходими, комплектловчи Маҳмуда Яхёрова, —шундай экан биз Волга автомобиль заводи ишчилари бошлаган хайрли ташаббусга эътиборсиз муносабатда бўлолмаймиз. Ахир бу биз учун жуда муҳим —ҳозир районда кўп профилли болалар шифохонаси йўқ. Уни «Самарқанд» автостанцияси яқинида қуришга қарор қилинди. Келинг, шу ишга ҳисса қўшайлик. Унинг қурилишини тезлаштирайлик. Қурилиш сифатини эса ишчи назоратимизга олайлик.

— Мен бу ташаббусни қўллаб-қувватлайман, —деди бўёқчи, коммунистик меҳнат зарбдори, завод партия комитети аъзоси Доно Болтабоева. —Февраль ойида бу объектда умумрайон шанбалиги ўтказилди, пойдеворга биринчи ғишт қўйилди. Бу ерда биз ҳам ишладик. Эндиликда бу қурилишни ўзимизнинг оталиғимизга оламиз.

Ишлаб чиқариш илғори, асосий рамаларни ишловдан чиқариш участкаси бўёқчиси Элдор Шермуҳамедов сўз олади.

— Ҳар биримизнинг болаларимиз, набираларимиз бор. Улар ҳақида қайғуриш бурчимиз. Мен бўш кунларимдан бирида биринчи бўлиб болалар шифохонаси қурилишида ишлаш учун бораман. Бошқа ҳамкасбларим ҳам келишига ишонаман. Бу барчамизнинг умумий ишимиздир. Мен бу ташаббусни фақат заводимиз коллективи эмас, барча район меҳнаткашлари қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман. «Социал-маиший объектлар —ишчилар оталиғида!» шиори остида ишлаймиз.

Йиғилишда сўзлаган бўёқчилик-ўраш цехи бошлиғи А. Кротов, «Таштекстильмаш» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари В. Лексин ва бошқалар тольяттиликлар бошлаган ташаббуснинг аҳамияти ҳақида гапирдилар. Бутун цех ва завод ишчилари бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлайди, деб ишонч билдирдилар.

Мана, бўяш-ўраш цехи коллективи йиғилишининг резолюцияси бир овоздан қабул қилинади. Унда шундай дейилган:

«Волга автомобиль заводи коллективининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз. Цехнинг ҳар бир ишчиси бўш вақтида тўрт кун кўп профилли болалар шифохонаси қурилишида ва Фрунзе районининг бошқа социал-маиший объектларида ишлаб беради.

Заводнинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини биздан ибрат олиб қурилаётган объектларга оталиқ қилиш бўйича аниқ ҳаракат планини белгилашга чақирамиз.

Биз йиғув цехи коллективини оталиқ ёрдамини амалга ошириш, ишни намунали ташкил этиш, районнинг социал-маиший объектларини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш бўйича социалистик мусобақага чақирамиз».

...Йиғилиш тугади. Ишчилар ишлаб чиқариш участкаларига кетишди. Цехнинг «Қизил бурчаги» (дарвоқе, бу ҳам ишчиларнинг ўз кучи билан қурилган) бўшаб қолди. В. Лексин шундай деди:

— Хайрли иш ўз тарафдорларини топди. Бўяш цехига йиғилишга келаётиб мен 2-механика цехига разм солдим. Меҳнат илғорлари билан маслаҳатлашдим, меҳнат ветерани, завод партия комитети аъзоси, токарь Н. Радаев шундай деди: «Биз ўзимизнинг механика цехимизда волгаликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Фрунзе район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири В. Зинченко шундай деди:

— Районда машинасозлардан ташқари, тўқимачилар, пластмасса ва рўзғор химияси заводи, ёғочни қайта ишлаш заводи, бошқа корхона ва ташкилотларнинг коллективлари ҳам хайрли ташаббус билан чиқдилар. Шу йил февраль ойидаёқ район меҳнаткашлари, шу жумладан «Таштекстильмаш» заводи ишчилари ҳам Фрунзе районининг яқинлашиб келаётган 50 йиллик юбилейи шарафига ишлаб чиқаришда оммавий шанбалик ўтказишди, ишлаб топилган пулни эса райондаги болалар шифохонаси қурилиши фондига ўтказишди. Ҳозир районнинг меҳнат коллективлари қурилаётган бу объектни, шунингдек «Шарқ эртаги» болалар шаҳарчаси (марказий бозор районида), «Бошлиқ» массивидаги болалар кинотеатри қурилишларини ва бошқа объектларни ўз оталиқларига олишди. Волга автомобиль заводи ишчиларининг ташаббуси фрунзеликларнинг бу хайрли ишига туртки берди.

М. САВЕЛЬЕВ.

## Сифат—асосий мезон

СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги Тошкентда ўтказган техника контроли бўлими хизматларининг Бутуниттифоқ кенгашида бракка қаттиқ ғов солиш, технология интизомга қонун кучини бериш масаласи қўйилди.

Барча иттифоқдош республикалар корхоналари ва бирлашмалари техника контроли бўлимларининг инженерлари ва бошлиқлари, соҳанинг раҳбар ходимлари икки кун мобайнида машиналар, моторлар, запас қисмлар сифатини ошириш борасидаги иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Техника контроли бўлими хизматларининг иши КПСС XXVII съездининг Ватан машинасозлигини сифат жиҳатидан янги марраларга чиқариш тўғрисидаги талаблари асосида қайта қуришга муҳтожлиги айтилди. Кўпгина докладчилар брак ва технология бузилганлиги учун, шунингдек кооперациядош корхоналарга сифатсиз маҳсулот ва деталлар юборганлиги учун моддий жавобгарликни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Кенгаш қатнашчилари «Тошкент трактор заводи» бирлашмасида, «Узбексельмаш» ва «Ташсельмаш» заводларида техника контроли, хизматининг ишлари билан муфассал танишиб чиқдилар. Техника контроли таъсирчанлигини қатъий оширишни кўзловчи тавсиялар қабул қилинди.

## Байрам совғаси

**Пойтахтимизнинг Юнусобод массиви аҳолиси фарзандлари учун 1 Май байрамига атаб муносиб совға тайёрламоқда. У эртакнамо ишланган космик кема шаклидаги кафе-мороженоехонасидир. Массивнинг Энгельс ва Аҳмад Дониш кўчалари муюлишида бунёд бўлган «Орзу» деб аталувчи болалар кафеси шаҳримизда биринчи марта бунёд этилди. Унинг ҳар бири 24 ўринли тўртта зали космик кема шаклида қурилган. Турли хил иллюминатор болаларга гўё фантастика оламида сайр этаётгандек тасаввур беради.**

**Кафе биноси олдидаги бир гектарча майдонда ҳам болалар қувнаб ўйнайдиган шаҳарча бунёд этилмоқда. Киров район маданият бўлими кафе очилишига атаб катта байрам программасида томоша тайёрламоқда. Болалар қўғирчоқ томошаларини кўришади, севимли рақс ва вокаль коллективлари билан учрашадилар.**

## Завод ёрдам берди

**Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларида кўрсатиб ўтилганидек, база корхоналари билим ўчоқларига ҳар томонлама амалий ёрдам бериб боришлари лозим. Бу кўрсатма асосида Тошкент тепловоз ремонти заводи коллективи ҳам қатор ибратли тадбирларни белгилади.**

**Корхона ҳимматидан шаҳримиздаги 30-ҳунар-техника билим юрти педагогик коллективи беҳад мамнун. Завод территорияси, цех ва участкаларидан ўқув жараёни сифатида фойдаланилмоқда. Корхона музейи эса муносиб ўринбосарлар билан тарбиявий ишлар олиб борувчи масканга айланиб қолди.**

**Оталиқ ташкилоти билим юрти ўқув базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида яқинда яна бир тадбирни амалга оширди. Корхонанинг ремонт цехи ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилди.**

**Бу ерда қатор янги участкалар ташкил этилди. Ҳозир улар турли дастгоҳлар, асбоб-ускуналар билан намунали жиҳозлашга киришилди.**

## Саноатда қўл келади

Тошкентдаги химия ва пахта целлюлозаси технологияси илмий-тадқиқот институтида Совет Иттифоқида биринчи марта гўшт-сут саноатида фойдаланиладиган целлюлоза олиш технологияси ишлаб чиқилди. Бу янгилик институтнинг экспериментал цехида синовдан ўтди.

Шу вақтга қадар сосиска ва колбасаларни қадоқлаш учун ишлатиладиган целлюлоза қоғози чет эллардан келтирилар эди. Тошкентлик мутахассисларнинг яратган янгилиги натижаси Энгельс шаҳридаги «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги хилдаги пахта целлюлозасининг тажриба-саноат партияси тайёрланди ва мутахассисларнинг муносиб баҳосига сазовор бўлди.

Эндиликда бу янгиликни саноат миқёсида кенг кўламда ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Ундан бир йилда кўриладиган иқтисодий самара ярим миллион сўмдан ортиқ бўлади.

## Истиқболли нав

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлимига қарашли Тошкентдаги сабзавот-полиз экинлари илмий-тадқиқот институти селекционерлари сабзавоткорларни яна бир бор мамнун этмоқдалар. Институтда помидорнинг «Ўзбекистон—178» нави етиштирилди. У асосан механизация воситасида парвариш қилишга мўлжалланган. Янги навнинг ҳосилдорлиги гектарига 800 центнерга етади. Бу бошқа навларга қараганда 30 процент мўл ҳосилли демакдир.

«Ўзбекистон —178» помидор навини транспортда ташиш ва сақлашда ҳам қатор машаққатли ишлар осонлашади. Яна бир аҳамиятли хусусият: етиб пишилган ҳосил ўз тупида эзилмасдан 20 кунгача яхши сақланиб туради. Бу айниқса ҳосил териб олиш пайтида қулайдир.

Янги навнинг муаллифи — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Е. В. Ермолов. Янги нав шу йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча сабзавоткорлик хўжаликларида кенг районлаштириш учун қабул қилинди. У биринчи навбатда Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона областларида экилади.

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● **КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Жаҳон Тинчлик Кенгаши сессияси қатнашчиларига табрикномаси эълон қилинган.**

● **Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бўлиб ўтган мажлислари тўғрисидаги ҳисоботлар ёритилган.**

● **24 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти республика правлениесининг IV пленуми бўлганлиги ҳақидаги расмий ахборот босилган.**

● **24 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши ҳақидаги ҳисобот эълон қилинган.**

## Съезд делегати билан учрашув

Тошкент Давлат маданият институти профессор-ўқитувчилари, студентлари КПСС XXVII съезди делегати, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси раиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Ўлмас Умарбеков билан учрашдилар.

Учрашувда съезд делегати мамлакатимиз коммунистларининг анжуманидан олган таассуротлари, партия совет ижодкорлари олдига қўйган масъулиятли вазифалар ва республикамиз қалам аҳлларининг тарихий съезд қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида яратаётган янги-янги асарлари ҳақида гапириб берди.

Учрашув охирида студентлар саҳналаштирган саҳна асарларидан парчалар кўрсатилди.

З. НУРИДДИНОВА.

## Нашрга тавсия этилди

**СССР Фанлар академиясининг Ботаника институти республикамиздаги турдош илмий муассасалар билан яқин алоқа боғлаган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника илмий-текшириш институти коллективи ҳам етук олимлар билан бамаслаҳат иш тутиб, қатор илмий ечимларни муваффақиятли ҳал этмоқда.**

**Ўзбек ботаник олимларининг республикамиз ўсимликлари бўйича карталар тузиш борасидаги изланишлари москвалик мутахассислар эътиборини ўзига тортди. «Ўзбекистон ўсимликлари» деб номланган макет ҳам ижобий баҳо олди.**

**Ўзига хос муҳим топографик характер касб этган бу хил илмий ишлар кўп нусхада чоп этиладиган бўлди. СССР Фанлар академиясининг география лабораторияси яқинда ана шу самарали тадқиқотни маъқуллаб, нашр қилишга тавсия этди.**

С. ОДИЛОВА.

## Голландияда чоп қилинади

Ўзбек геолог олимлари тоғлиқ районларнинг ер қобиғини ўрганиш борасида ҳам самарали изланишларни олиб боришди. Помир, Химолай тоғларида бажарилган тадқиқотлар ҳам ўзига хос муҳим илмий аҳамият касб этди.

Ана шу жиддий изланишлар натижаси ўлароқ «Помир, Ҳимолай, Жанубий Тянь-Шаннинг ер қобиғи ва юқори мантияси» номли йирик асар юзага келди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. Ҳамробоев билан олим Ф. Зуннунов ҳамкорлигида ёзилган мазкур китоб чет эллик мутахассислар эътиборини ҳам ўзига тортди.

Ушбу мукаммал нашр Москва халқаро китоб кўргазма-ярмаркасида энг яхши тўпламлардан бири сифатида эътироф қилинди. Голландиялик ноширлар эса уни чоп этиш учун танлаб олишди.

А. АЛИЕВ.

## Янги кўргазма

БУГУН

**Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очилган янги кўргазма «Илмий-техника ахбороти фан-техника тараққиёти хизматида» деб аталади.**

Экспозициянинг олдига қўйилган вазифа КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ахборот хизмати ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш, фан-техника ва экономика тараққиётида унинг аҳамиятини, тўпланган тажрибалар ва келгусида бажариладиган вазифаларни акс эттиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда республика илмий-техника ахбороти системасида 600 га яқин ташкилот бўлиб, улар корхоналар ва ташкилотларда жойлашган.

Ўтган беш йилликда илмий-техника тадбирлари ўтказилиши натижасида 150 миллион сўм иқтисодий самара олинди. Илмий-техника ахбороти институти эса республиканинг 1350 ташкилоти ва корхонасига хизмат кўрсатмоқда. Биргина Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида илмий-техника ахбороти материалларидан ўринли фойдаланиш натижасида 79 та янгилик ишлаб чиқаришга жорий этилиб, ундан 800 минг сўм атрофида иқтисодий самара олинди.

# АҚШ ИРҚЧИЛИК СИЁСАТИНИ ЎТКАЗМОҚДА

Шарҳчи сатрлари

Қўшма Штатларда ирқчилик тобора кенг кўлам касб этмоқда. Бу шармандали фактни ҳатто Америка расмий маъмурлари ҳам тан олишга мажбур бўлмоқдалар. «Бизнинг штатимизда майда миллат вакилларига безориларча ҳужум қилиш ҳоллари тобора кўпаймоқда, ирқчилик ва антисеметизм кучаймоқда», — дейилади Калифорния штатида махсус комиссия томонидан яқинда эълон қилинган докладда. Бу комиссия жамоатчиликнинг қатъий талабига мувофиқ бундан икки йил муқаддам ташкил этилган эди.

Комиссия аъзолари Сан-Францискода бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, ирқчиларнинг ўз штатида бебошликларни жон-жаҳди билан авж олдираётганлиги хайратланарли эканлигини таъкидладилар. Ку-клукс-клан, бошқа ирқчилик группаларининг хуружлари, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқларига мансуб кишиларга ҳужум қилиш Калифорнияда кундалик воқеа бўлиб қолган, деди штат бош прокурори Ж. Ван Де Кэмп.

Калифорнияга берилган бу нисбатни бутун мамлакатга тадбиқ этиш мумкин. Бу ерда ирқчилик —«Америкача турмуш тарзи»нинг таркибий қисми бўлиб қолди. Мамлакатда оқ танлилар «бенуқсон американиклар бўлиб «қолган» барча бошқа ирққа мансуб кишилар ўз ўринларини билишлари керак» эмиш. Ку-клукс-клан безорилари АҚШда худди шу мақсадни кўзламоқдалар. Улар ўзларидан бошқа «оқ танлиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида ғамхўрлик қиладиган ҳеч ким йўқлигини» таъкидламоқдалар. Ҳукмрон доиралар ирқчиликни рағбатлантирмоқдалар. Филадельфия шаҳар маъмурлари худди шундай рағбатлантиришдан фойдаланиб, ўтган йил майида «ҳаракат» негрлар диний мазҳабининг 11 аъзосини тириклайин ёндириб юборишга журъат этдилар. АҚШда ирқчи гуруҳлар тўғрисида катта ғамхўрлик қилинмоқда. Ўтган ҳафтада Вашингтонда Америка ҳарбийлари ку-клукс-кланга мансуб террорчилар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганлиги маълум бўлиб қолди. Ирқчиликка қарши Америка ташкилоти —мамлакат жануби қашшоқлари юридик маркази АҚШ ҳукуматига Шимолий Каролинадаги Пентагон базаларининг ҳарбий хизматчилари жуда кўп вақтдан буён маҳаллий ку-клукс-кланчиларни қуролларни ишга солишга, қўлбола бомбалар тайёрлашга ўргатаётганлиги, шунингдек ирқчиларни ўт очиш қуроли билан таъминлаётганлиги, тўғрисидаги маълумотларни тақдим этди. Жамоатчиликнинг ана шу жиноий ҳамкорликка чек қўйиш тўғрисидаги талабларига жавобан Вашингтондагилар лом-мим демасликни афзал кўрмоқдалар. Базаларнинг қўмондонлиги эса сурбетлик билан «солдатлар хизматдан бўш вақтларида оқ танли экстремистлар ташкилотлари фаолиятида қатнашиш конституцион ҳуқуқига эга» эканлигини таъкидламоқда.

Бу гапларда жон бор, албатта. Зотан, Қўшма Штатларнинг бутун давлат системаси ирқчилик руҳи билан суғорилган. Шуни айтиб ўтиш кифояки, Қўшма Штатлар ҳали шу вақтга қадар ирқий камситишнинг барча формаларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилгани йўқ. АҚШнинг БМТдаги собиқ вакили Э. Янгнинг далолат беришича, «АҚШда негрни ўлдирган оқ танли ҳали шу вақтга қадар бирон марта ҳам қатл этилмаган...»

Ана шундай шароитда президент Р. Рейган ҳозирги маъмуриятнинг ирқий сарқитларга барҳам беришда қўлга киритган «муваффақиятлари» тўғрисидаги гаплари икки юзламачиликдан бошқа нарса эмас, албатта. АҚШ ҳукмрон доиралари амалда монополияларнинг манфаатларини кўзлаб очиқдан-очиқ ирқчилик сиёсатини ўтказмоқдалар. Негрлар ва майда миллатларга мансуб бошқа кишилар ўртасида ишсизлик ва қашшоқлик кенг авж олиб бораётганлиги, уларнинг кўплари полиция ва суд бебошликларининг, ўта ўнг ирқчи гуруҳлар амалга ошираётган террор ва зулмнинг қурбони бўлаётганлиги бунинг яққол далилидир.

А. ПОПОВ,
(ТАСС).

Газетхон—газета—газетхон

# САВДО ХОДИМЛАРИГА САВОЛ БЕРГАН ЭДИНГИЗ...

## ХАТЛАРГА МУТАСАДДИ РАҲБАРЛАР ЖАВОБИ

**Мабодо, биз бозорни хилма-хил товарлар ва хизматлар билан таъминлай олмасак, тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш борасидаги бутун куч-ғайрат кам самара беради, халқ фаровонлигини ошириш вазифаси эса бажарилмай қолаверади.**

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладидан).

«Тошкент оқшоми» редакцияси уюштирган, шу йил 10 апрель куни соат 17 дан 19 гача савдо ходимлари билан телефон орқали бўлиб ўтган суҳбатда кўпгина шаҳарликлар қатнашдилар. Энг муҳим жиҳати оперативлик ва таъсирчанликдан иборат бўлган бу қулай мулоқот формаси ранг-баранг ва долзарб масалаларни кўтаришга ёрдам берди.

Редакцияда телефонлар ёнидаги жамоатчилик қабулини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси бошлиғи Ғ. Х. Мансуров, унинг ўринбосари А. М. Халибоев, бошқарма бўлим бошлиқлари: ташкилий бўлим бошлиғи М. И. Богданова, капитал қурилиш бўлими бошлиғи Р. С. Дубровская, саноат бўлими бошлиғи Ш. Н. Юсупов, бошқарма партия ташкилотининг секретари Р. У. Ҳамидбеков, шунингдек, Ленин райпишчеторги директори Л. А. Чупахина, Фрунзе райпишчеторги директори Ю. А. Тошпўлатов, Чилонзор райпишчеторги директори Н. И. Одиноков, Киров райпишчеторги директори А. И. Исломов, Куйбишев райпишчеторги директори М. А. Исҳоқов, Октябрь райпишчеторги директори Д. Н. Сайдалиева, Собир Раҳимов райпишчеторги директори Р. Н. Убайдуллаев, Ҳамза райпишчеторги директори вазифасини бажарувчи Қ. А. Раҳимжонов, Сергели райпишчеторги директорининг ўринбосари Н. Бобоев, «Ташхлебторг» директори Ғ. Ю. Йўлдошев, «Хизмат-беминнат» фирмаси директори Н. А. Генералова, «Ташгастрономторг» директори вазифасини бажарувчи К. Н. Раҳматуллаев олиб бордилар.

Соат бешдан кечқурун еттигача телефонлар бир дақиқа ҳам тинмади. Меҳмонларимиз кетишганидан сўнг ҳам қўнғироқлар узоқ вақт жиринглаб турди. Бугун биз оқшомхонлар эътиборига бўлиб ўтган суҳбатни ҳавола этамиз.

**Алло, редакциями?**

**33-99-42**

**32-53-66**



◆ СУРАТЛАРДА: «Тошкент оқшоми» редакциясида савдо ходимлари билан телефон орқали бўлиб ўтган суҳбат қатнашчилари.

Т. Каримов фотолари.

Биринчи бўлиб редакцияга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси **Т. Холиқов қўнғироқ қилди: «Марказ — 13» кварталидаги 4-озиқ-овқат магазинига сут маҳсулотлари—кефир, творог, сметана кам келади. Дам олиш кунлари сут маҳсулотларини кеч олиб келишади. Шу сабабли уни магазинда узоқ вақт кутиб туришга тўғри келмоқда».**

Сут маҳсулотлари таъминоти ёмонлиги ҳақида, шунингдек—Табак, Квиткова, Полтавская, Соатова, Ҳамзаев, Л. Барашина, А. Абдуллаев, Н. Конев ва бошқалар хабар қилишди.

**Ғ. Ҳ. МАНСУРОВ:** Шаҳарликларнинг эътирозларини тўла асосли ва адолатли деб ҳисоблаш мумкин. Чиндан ҳам Тошкентнинг аҳолиси уч миллионга қараб кетяпти. Сут ишлаб чиқариш бирлашмаси эса шаҳарга ҳозирда ўз маҳсулотларини, айниқса сут-қатиқни кам етказиб беряпти. Биз бир кунда қарийб 540 тонна сут маҳсулотлари оламиз. Улардан катта қисми касалхоналар, мактаблар, мактабгача ва бошқа муассасаларга тарқатилмоқда. Қолгани сотиш учун магазинларга чиқарилмоқда.

Ҳозирги пайтда бизда аҳоли учун флягада чиқариладиган пастерланган сут етишмаяпти. Бу маҳсулотни шаҳарликлар холодильниклари пухта ишлайдиган йирик магазинлардан кун бўйи харид қила олишларига эришишга ҳаракат қилмоқдамиз. Яна бир бор таъкидлайманки, бу «тўкинчилик» ҳозирча кефир, сметана, творог, «Янтарь» пишлоғи ҳисобигадир. Бундай маҳсулотлар бирлашмада эҳтиёжга нисбатан анча кам ишлаб чиқарилмоқда.

**Бўлим фикри:** Афсуски, ҳозирча сут кўпроқ чиқарилаётган бўлсада тўкинчилик йўқ. Ахир одамларга фақат сутгина эмас, балки сут-қатиқ маҳсулотлари ҳам зарур. Оқшомхонлар ассортимент хилма-хил бўлиши ҳақидаги масалани тўғри кўтаришаяпти. Биз бу саволга республика Агросаноатидан жавоб кутамиз.

**М. Нурибоева, ТошМИ ҳамшираси: Нима учун лаганлар, косалар ва бошқа миллий чинни идишлар тақчил? Агар улар сотувга чиқарилган бўлса ҳам фақат набор бўлади. Айрим-айрим сотилмайди. Болалар молларини ҳам топиш қийин, фарзандингга керак нарсани ҳамиша ҳам топавермайсан.**

**Н. Дьядиченко, Улуғ Ватан уруши ветерани: Ҳозир хўжалик моллари магазинларида исталган гулқоғозни бемалол харид қилиш мумкин. Гулқоғоз елимини эса қайдан харид қилишни билмайман.**

**С. Серебрякова, «Марказ—1» кварталида яшовчи: Пенсия ёшидаги кишиларга мўлжалланган катта размердаги кийим-кечак ва пойафзални харид қилиш жуда қийин.**

**Ш. Н. ЮСУПОВ:** Ҳали аҳолига зарур бўлган саноат товарларининг ҳаммаси сотувда бор эмас. Тақчиллик шунинг оқибатида давом этмоқдаки, саноат ҳозирча кўп буюмларга, шу жумладан болалар ассортиментидаги товарларга, кексалар учун кийим-кечак, пойафзалга бўлган эҳтиёжни қондирмаяпти. Бизнинг кичик ҳажмдаги электр кипятильникларга бўлган буюртмамиз бутунлай қондирилмаяпти ва рўзғор резинкасига бўлган эҳтиёж атиги 48,7 процент таъминланмоқда.

Харидорлар эҳтиёжини ўрганиш масаласига келсак, бу йўналишда коньюктура хизмати анчагина ишлар қилмоқда. Кўргазма-сотувлар, харидорлар конференциялари ташкил этилмоқда, харидорларга анкеталар тарқатилмоқда. Ана шу оммавий тадбирларга саноат корхоналари ва улгуржи базаларнинг етакчи мутахассислари таклиф этилмоқда. Бироқ саноат ходимлари харидорлар эҳтиёжини ҳамиша ҳам ҳисобга олишавермайди, мода ўзгаришларига тезкорлик билан ёндошишмайди. Савдо Бош бошқармаси саноат корхоналарига ҳар кварталда харидоргир моллар ҳақида ва айни пайтда харидорларга ёқмайдиган моллар ҳақида маълумотларни тақдим этади. Афсуски, бизнинг маълумотларимиз саноат корхоналари томонидан деярли фойдаланилмайди. Масалан, ўтган йили ишлаб чиқарилиши кўпайтирилиши, ўзлаштирилиши керак бўлган молларнинг кўргазма-савдосини уч марта ўтказдик. Бироқ намойиш этилган 300 буюмдан бор-йўғи 73 таси ўзлаштириш учун олинди, бундан фақат 25 хилигина ишлаб чиқарилди.

Яқин фурсатда бу борада силжиш бўлса эҳтимол. «Союзпромвнедрение» қошида фабрикалар, заводларнинг ишини координациялаш ва аҳоли эҳтиёжини қондириш, етишмаётган халқ истеъмол моллари ва янги буюмларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш проблемаларини комплекс ҳал этиш бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш учун тармоқлараро кенгаш тузилди. Кенгашга шаҳар план комиссияси, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, енгил саноат министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, савдо Бош бошқармаси, ВНИИКС филиали, улгуржи базалар, шаҳар корхоналарининг вакиллари киритилган.

**Бўлим фикри:** Бироқ, у ёки бу моллар билан таъминлашда ва уларни реализация қилишда узилишларга йўл қўйилаётганида савдо корхоналарининг ҳам анчагина айби бор. Баъзи ҳолларда моллар магазинларга ўз вақтида олиб келинмайди, мол алмашинуви эпсизлик билан амалга оширилади. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди савдо ходимларининг эътиборини ана шуларга қаратди, харидорлар эҳтиёжини кенгроқ ўрганиш, хизмат кўрсатишнинг истиқболли формаларини жорий этиш, саноат билан дуруст алоқа ўрнатиш вазифасини қўйди.

**Ҳ. Иброҳимова, пенсионер: «Марказ —13» кварталидаги Октябрь райпишчеторгига қарашли 4-магазинда сифатсиз нон сотилмоқда.**

**В. Толстов, трактор заводи ишчиси: Мен касалхонада ётганимда Куйбишев райпишчеторгига қарашли 30-магазиндан харид қилинган икки шиша минерал сув олиб келишди. У газсиз оддий сув эди. Темир қопқоғида қуйидагиларни ўқидим: «Ташпиво—VII—1985 й».**

**В. Яковлев, 1-Қўйлиқ массивида яшовчи: Нима учун сифатсиз маҳсулот магазинларнинг пештахтасига келиб қолади?**

**М. Иванова, 1945 йилдан КПСС аъзоси. Кўпгина озиқ-овқат магазинларида йўғонлиги бармоқдек макаронлар пачкалаб ётади, рожкилар ҳам улардан қолишмайди. Бу бемаза маҳсулотни олувчилар кам, бироқ уларни бетўхтов ишлаб чиқаришмоқда.**

**Р. ҲАМИДБЕКОВ:** Сифатсиз моллар назорат бўшаштирилган савдо корхоналарида пайдо бўлиб қолади. Пештахта ходимлари истеъмол муддати ўтган буюмларни ўз вақтида сотувдан олиб ташлашлари шарт. Умуман бизда тартиб шундай. Савдога келтирилган озиқ-овқат моллари махсус текширишдан ўтказилади. Агар уларнинг сифати шубҳа туғдирса ёки уларнинг таркибидаги у ёки бу масаллиқ миқдори пастлиги ҳақида гумон пайдо бўлса, намуна олиниб лабораторияда текширишга жўнатилади. Сифатсиз маҳсулот жарима талаб қилиниб, эгасига қайтарилади. М. Иванова туриб қолган сифатсиз макарон ҳақидаги масалани тўғри кўтарган. Ана шу мазмундаги ариза 1977 йилдаёқ булка-кондитер комбинати директорига йўлланганди. Бироқ, бу маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан ҳанузгача таъсирчан чоралар кўрилмади. «Ташкентхлеб» бирлашмасида ҳам нон ёпиш технологиясидаги бузилишлар барҳам топгани йўқ. Уларни бартараф этиш— бизнинг биргаликдаги вазифамиздир.

Саноат моллари ҳам сотув олдидан текширувдан ўтказилади. Бу иш мутахассис — товаршунослар томонидан амалга оширилади. Бизнинг идоравий назоратимиздан ташқари товарнинг бутун ҳаракат йўлида, шу жумладан бевосита сотувчи харидорга буюмни бераётган пайтда назорат амалга оширилади. Шунингдек, товарлар сифати бўйича Давлат инспекцияси назорат қилиб боради. Ўтган йили салкам 8 мингта акт тузилди ва 17 миллион сўмлик мол брак қилинди, бундан 12 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берувчиларга қайтарилди.

**Лапполар оиласи: Шота Руставели кўчасидаги 25-магазинининг комсомол-ёшлар коллективи харидорларнинг манфаати билан қизиқмайди. Бу ерда кўпинча печенье тортиб эмас, балки бир килограммдан қадоқланган ҳолда сотилади. Магазин мудирини иш жойидан топа олмайсиз.**

**Л. Машнянская, пенсионер: Октябрь райпишчеторгининг 10-магазинида нарх кўрсаткичлари қўйилмаган. Беш тийиндан кам қайтимни беришмайди.**

**А. Крушевская, коммунист, меҳнат ветерани: 26 март куни магазиндан (Юнусобод, 7-квартал) булка нон сотиб олиб, маргарин учун сут бўлимига ўтдим. Майдам йўқ бўлгани сабабли сотувчи рад қилди. Бу ерда илтифотсиз кишилар ишлашади. Мабодо улардан маҳсулот янгими деб сўрасангиз, асло тўғри жавоб беришмайди.**

**Т. Калашников, Улуғ Ватан уруши ветерани: Бизнинг Фрунзе районига «Тоҳир ва Зуҳра» магазинини ўтказишди. Унинг ходимлари юксак хизмат кўрсатиш маданиятини кўрсата олишмаяпти. Бу ерда харидорлар керакли буюмни, керакли размердагисини ўзлари қидирадилар. Сотувчилар эса харидорларга парво қилмай гурунглашиб ўтиришади.**

**Т. Галиулин: Нима учун савдода ҳам ҳисобдан, ҳам тарозидан уриб қолиб алдашади? Наҳотки, бунга хотима қўйиш мумкин эмас?**

**Р. ҲАМИДБЕКОВ:** Афсуски, фактлардан кўз юмиб бўлмайди. Савдо ходимлари орасида чиндан ҳам нопок кишилар учраб турибди. Биз барча сигналлар асосида текширишлар ўтказамиз, айбдорларни жазолаймиз. Кейинги пайтда иш режимига, савдо қоидаларига риоя этилиши, ўлчов приборларидан тўғри фойдаланилиши масалалари бўйича мингга яқин рейд ўтказилди. Метрлашда, тарозида тортишда уриб қолишлар, молларни беркитиб қўйишлар аниқланди. Масалан, Собир Раҳимов райпишчеторгига қарашли 5-магазинда сотувчи М. Ҳамробоева харидорни тўрт сўмга алдади. У 37-модданинг 2-банди билан ишдан бўшатилди. Октябрь райпишчеторгининг 73-магазини катта сотувчиси Ю. Муҳамедов харидор ҳақидан уриб қолгани учун қонунда белгиланган тартибда ишдан бўшатилди. Яқинда 12-«Юбилейний» магазинини текшириш материаллари айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тергов органларига оширилди. Ўтган йили нуқсонларга йўл қўйганликлари учун 82 киши жиноий жавобгарликка тортилган эди. Анчагина савдо ходимлари ишдан олинди, вазифасидан пасайтирилди, маъмурий жазо олди, ўртоқлик судларида жавоб берди. Лекин бизнинг бош мақсадимиз —жазолаш эмас, балки савдо хизмати кўрсатиш маданиятини оширишдир. Юқори маданиятли савдо хизмати кўрсатиш учун бошланган икки ойлик ҳамда норматив ҳужжатлари билан ишлашни яхшилаш бўйича кўрик-конкурс ўтказилиши бунга ёрдам беради.

**Бўлим фикри:** Табиийки, амалга оширилаётган тадбирлар ишда муайян силжиш бўлишига туртки бўлади. Бироқ, давр бугунги кунда анча мураккаб вазифани қўймоқда— харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти анча оширилмоғи, пештахта ходимлари онгидан ўз ишини шахсий бойлик орттириш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин деган тасаввурни чиқариб ташланмоғи лозим.

Харидорларнинг сотувда бўлган, лекин витринадагидан бошқа размердаги, рангдаги буюмни топиб бериш ҳақидаги илтимосига парво қилмаётганлар, озиқ-овқат магазинларида ҳам ҳақдан, ҳам тарозидан уриб қолаётганларга қарши кураш олиб бормоқ лозим. КПСС XXVII съезди қарорлари талаб этганидек виждонан ишламоқ даркор.

**Майер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси: Чилонзордаги 34-магазинда бириктириб қўйилганларга яхши гўшт сотилмаяпти.**

**Х. Холиқов, Л. Турсунова: Лабзакдаги магазинда ва 16-магазинда уруш ветеранларига фақат гўшт сотишади.**

**А. Захаров, Е. Биченко, Н. Попов, М. Носов, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, С. Бирюков, уруш инвалиди: 12-«Гастроном» магазинида турли сортдаги гўштни аралаштириб сотишмоқда. Уруш ветеранларига хизмат кўрсатиладиган куни магазин директорининг дўстларига ҳам мол сотилаверади. Улар «орқа эшикдан» нималарнидир қўлтиқлаб чиқишади. Жамоат комиссияси чора кўрмаяпти.**

**М. И. БОГДАНОВА:** Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети тасдиқлаган нормага биноан уруш ветеранлари ҳар ойда қуйидаги ҳисобда озиқ-овқат моллари олишлари керак: 8 кило гўшт ёки парранда гўшти, 1 кило колбаса (келишига қараб), ярим кило пишлоқ, 2 кило макарон, 1 кило сарёғ, 4 банка сутли консерва, ярим кило яхши навли чой. Бироқ, гоҳида ҳамма моллар бўлавермайди. Бунда бир маҳсулотнинг ўрнига бошқаси берилади.

Улуғ Ватан уруши ветеранларига, ҳалок бўлганларнинг оилаларига, шунингдек меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз гражданларга хизмат кўрсатиш учун 61 та магазин ажратилган, шу жумладан 51 таси озиқ-овқат ва 11 таси саноат моллари магазинидир. Кўпгина «Ветеран» магазинларида буюмни уйига етказиб бериш, вақтинча савдода йўқ молларга олдиндан буюртма олиш, телефонда буюртма қабул қилиш, комплект совға наборлари тайёрлаб бериш, истакка кўра такси чақириб бериш, магазинда бўлган пайтда чанқовбосди ичимликлар билан таъминлаш каби хизматлар жорий этилган.

**К. Н. РАҲМАТУЛЛАЕВ:** Биз 12-магазинда тегишли текшириш ўтказдик. Унинг раҳбарларига харидорларга хизмат кўрсатишда назорат бўшаштирилгани, турли сортдаги гўштни аралаштиришга йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилди. Жамоат комиссияси аъзолари ўртасида ҳам тушунтириш ишлари ўтказилди.

**Бўлим фикри:** Ҳар ҳолда Улуғ Ватан уруши ветеранларига, пенсионерларга қониқарсиз хизмат кўрсатилаётгани ҳақида шикоятлар ҳали кўп тушмоқда. Биз фақат кейинги пайтнинг ўзида Куйбишев райпишчеторгига қарашли 40, Фрунзе райпишчеторгига қарашли 24, «Башкирия», Киров райпишчеторгига қарашли 22 ва бошқа магазинларнинг иши ҳақида сигналлар олдик. Демак, аҳвол яхшиланмоғи лозим. Чунки савдони яхшилаш вазифаси — ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ахлоқий проблемадир. Бу ердаги ҳар қандай камчилик ёки нуқсон зудлик билан меҳнаткашларнинг кайфиятида акс этади. Айниқса, адолатсизликнинг ҳар қандай кўриниши уруш ветеранларини, ўз характерига кўра муросасиз кишиларни ташвишга солади.

**Г. Никитин, Юнусобод массивида яшовчи: Юнусободнинг 2-кварталидаги сабзавот магазинида кўпинча қоида бузилгани ҳолда спиртли ичимликлар сотилади. Унинг ёнгинасидаги пивохонада пиво сотилади. Савдо ходимлари буни нормал ҳолат деб ҳисоблашадими?**

**И. Боровик, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси: Менга савдо Бош бошқармасидан хабар қилишдики, генерал Петров кўчасидаги пиво бари ёпиб қўйилган. Бироқ у ерда пивони қўйиб сотишни тўхтатишди, шишадагисини эса —марҳамат олаверинг. Бадмастлар барнинг атрофида «парвона».**

**С. Песцов: Вино-арақ бўлимлари, пиво барлари ёпилмоқда. Бўшаган майдонлардан қандай фойдаланилмоқда?**

**М. И. БОГДАНОВА:** Сабзавот магазини хусусидаги танқидни биз «Ташплодоовощ» бирлашмаси билан биргаликда кўриб чиқамиз. Спиртли ичимликлар сотилиши масаласига келсак, ўтган ва бу йил бир қатор ташкилий тадбирлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Район Советлари ижроия комитетлари билан биргаликда барча турдаги спиртли ичимликларни сотиш бўйича савдо тармоқларининг жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Илгари мингдан ортиқ магазинлар ва бўлимлар бўлган бўлса, ҳозир 124 та алоҳида бўлим қолган. Буларга вино-арақ маҳсулотлари сотиш ҳуқуқини берувчи янги нусхадаги рухсатнома берилди. Ичкиликларни сотиш камаймоқда ва келгусида янада қисқариши кузатилмоқда.

Жамоатчилик ва маъмурий органлар билан биргаликда белгиланган савдо қоидаларини бузувчиларга қарши қатъий кураш олиб бормоқдамиз. Юридик хизматлар барча сотувчиларга қоидабузарлик учун қандай маъмурий ва суд жавобгарлигига тортилишлари мумкинлиги ҳақида тушунтириш бермоқда. Спиртли ичимликлар сотишга савдода катта иш тажрибасига эга бўлганлар қўйилаётгани ҳам муҳимдир.

Савдо Бош бошқармаси бўйича чиқарилган буйруқ билан шу йил биринчи мартдан бошлаб барча пиво барлари ва пиво павильонлари ёпилди.

**А. М. ХАЛИБОЕВ:** И. Боровикнинг эътирози ҳақида шуни айтиш мумкинки, генерал Петров кўчасидаги магазин қоидани ошкора бузган. Биз бунга хотима қўямиз. Лекин «ёвуз оғу»га қарши кураш ҳаммамизнинг умумий ишимиз бўлиши кераклигини айтиб ўтишни истайман. Мабодо, сиз қайдадир спиртли ичимликни қонунсиз ичишаётганини ёки учар сотувчи арақ, вино, пивони пештахта ортидан сотаётганини кўрсангиз, шу заҳоти милиция ходимларига маълум қилинг ёки савдо Бош бошқармасига хабар қилинг.

Учинчи хат бўйича шуни маълум қилишим мумкинки, ҳозир ёпиб қўйилган 24 та пиво бари ва павильонида ремонт ишлари олиб борилмоқда. Бу хоналар музқаймоқ кафелари ва чанқовбосди ичимликлар сотилувчи ихтисослаштирилган бўлимлар учун қайта жиҳозланмоқда. Ҳаммаси бўлиб илгари спиртли ичимлик сотилган 4,6 минг квадрат метр савдо майдони бўшаган. Уларда ҳозир салкам 250 та махсус бўлим: «Болалар таомлари», «Бакалея», «Сут», «Шарбатлар», булка-кондитер, балиқ, музқаймоқ кафеси каби бўлимлар ишлаб турибди. Савдо тармоғини комплекс қайта ихтисослаштириш планига мувофиқ, бу йил яна юқоридаги каби 21 та бўлим очилади. Беш йиллик охиригача эса 86 та очилади. Бу квас, чанқовбосди ичимликлар, шарбатлар, коктейллар, музқаймоқлар сотишни анча яхшилаш имконини беради.

**Абдураҳимов, Катков, Винер, Тошпўлатова, Саломатин, Богдатова, Биков, Кирязябянц, Галанова ва бошқалар: Нега шаҳарда қабул пунктлари ва магазинларга бўшаган идишни, айниқса ўсимлик мойи ва шампанское, қатиқ шишалари ва банкалари топшириш проблемага айланиб қолди? Шиша идишларни қабул қилувчилар кўпинча идиш учун паст нархда ҳақ тўлашади.**

**Ғ. Ҳ. МАНСУРОВ:** Яқин даврда шиша идишларни қабул қилиш муаммоси кун тартибидан чиқарилади. Ҳозирнинг ўзида тегишли шартнома бўлиб, унга кўра саноат савдодан шиша идишларни мунтазам олади. Биз эса ўз навбатида аҳолидан қабул қиламиз. Муаммо шунинг учун ўткирлашганки, вино-арақ заводлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин қисқартирдилар. «Ташкентвино» комбинати эса янги идишга, европача деб аталувчи шишаларга қуйиб чиқара бошлади. Аҳолидаги ва савдодаги мавжуд идишларнинг ва янги идиш ишлаб чиқаришнинг номутаносиблиги ҳам билиниб қолди. Бунинг натижасида бизнинг қабул пунктларимиз ва озиқ-овқат магазинларнинг омборхоналари бўш идишлар билан тўлиб-тошди. Туриб қолган идишлар сони 5 миллионтага яқин. Буни пулга акс эттирсак —савдо ташкилотларининг «ҳаракатсиз» қолган 900 минг сўм маблағи демакдир. Омборларимизни бўшатиш осон бўлмайди, лекин бу йўналишдаги ишлар бошланди. Виночилик саноати шарбатларни шишаларга қуйиб чиқара бошлайди. Биз консерва заводларига шиша банкалар етказиб бериш бўйича планга эга бўлдик. Шундай экан уларни топширишни сўраймиз. Ювилган тоза ёғ идишларни барча пунктлар қабул қилиши шарт. Хорижий идишларга келсак, улар асосан қайтарилмайди, чунки баҳоси маҳсулотнинг қийматига киритилган бўлади. Саноат шампанское идишини ҳам қайта қуйиш учун ишлатмайди. Қабул пунктлари ишидаги бошқа камчиликларга келсак, бу ерда тартиб ўрнатиш бизнинг вазифамиздир.

**В. Гализина: Сергели райпишчеторгининг 12-магазинида сут-қатиқдан бўшаган шиша идишларни ҳамиша ҳам олишавермайди. Кўпинча пулни эмас, балки ўрнига бошқа нарса олишни таклиф қилишади.**

**Ким, катта инженер: «Берёзка» ва Фарҳод бозорининг сут-қатиқ магазинларида идишларни фақат бошқа маҳсулотларга алмаштириш тарзида қабул қилишади.**

**Н. БОБОЕВ:** Сут-қатиқ бўлимларида бўш идишни қабул қилишлари шарт. Фақат бошқа нарсага алмаштирилади деган қоида йўқ. Сотувчи мавжуд маҳсулотлардан бирортасини илтифот билан таклиф этса бошқа гап. Биз сут-қатиқ идишларини топшириш планига эгамиз ва уни ҳамиша ҳам бажаравермаймиз. Шу сабабли башарти сотувчи яшиклар бўлган тақдирда сут идишларни, сметана банкаларини қабул қилишни рад этса, у нотўғри йўл тутган бўлади. Сут идишлари топшириш плани бажарилмагани учун бизга ҳатто жарима солишади. Демак, сотувчининг рад этишини идишларни ортиқча даҳмаза сифатида ҳисоблайди деб баҳолаш мумкин. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Шиша идишлар алмашинуви масаласи хом ашёни, электр энергиясини, одамлар меҳнатини тежаш билан узвий боғлиқ. Бу ишда ўз шахсий манфаатини давлатникидан юқори қўювчиларнинг измига қараб юришни кечириб бўлмайди. Савдо ходимлари ва тегишли корхоналарнинг ходимлари бир-бирларининг шаънига эътироз билдиришдан, қуруқ ваъдалар беришдан амалий ишга ўтадиган, амалдаги қоидалар ва нархлар асосида шиша идишлар топширилиши учун аҳолига тўсиқсиз шарт-шароит яратадиган пайт келди.

**И. Докторович, театр ва рассомчилик институти ўқитувчиси: Қорақамиш — 2/5-массивида «Хизмат-беминнат» фирмасининг буюртмалар столини очиш мумкин эмасми? Шаҳримизда савдонинг қандай янги формалари жорий этилаётганини ҳам билишни истардим.**

**Н. А. ГЕНЕРАЛОВА:** Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш савдонинг истиқболли формаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда 812 та магазиннинг, шу жумладан 568 та озиқ-овқат магазинининг коллективи ана шу метод асосида ишламоқда. Бироқ ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулидаги маҳсулот савдосининг улуши Тошкентнинг умумий товар оборотида 68,5 процентни ташкил этади, бу пландагидан оз. Харидор учун қулай бўлган ана шу савдо формаси саноат қадоқланган маҳсулот ишлаб чиқаришга суст қайта ўтаётгани оқибатида оқсамоқда. Биз молларни мослаштирилмаган хоналарда, ностандарт идишларга қадоқлашга мажбур бўлмоқдамиз. Бунинг ўзига хос камчиликлари бор, албатта. Мавруди келганда айтиб ўтиш лозимки, гуруч, шакар, макарон учун мўлжалланган заводда тайёрланган идишлар хусусида ҳам эътирозлар бор. Пакетлар сифатсизлиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари тўкилади. Афсуски, бундай хўжасизлик учун амалда хеч ким жавоб бермайди.

Биз савдо формаларини такомиллаштиришга, харидорларга қўшимча хизматлар кўрсатишга интилмоқдамиз. Чунончи, 125 та магазинда газламалар бичиб берилади, 11 тасида соатлар ремонт қилинади, 47 тасида буюмлар кредитга расмийлаштирилади, 28 тасида техникавий мураккаб буюмларни ўрнатиш учун буюртма қабул қилинади, 11 тасида дарпардалар учун газламалар қирқиб берилади. «Хизмат-беминнат» фирмаси корхоналари ҳар йили харидорнинг уйига миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни етказиб беришмоқда. Буюртмалар столлари сони кўпаймоқда. Шундай экан, И. Докторовичнинг истаги ҳам кўриб чиқилади.

**Г. Вихлеев: Сергели—1 да битта ҳам озиқ-овқат магазини йўқ. Қурилиш истиқболлари қандай?**

**Р. С. ДУБРОВСКАЯ:** Ўтган беш йилликда 52 минг квадрат метрдан зиёд савдо майдони фойдаланишга топширилган эди. Шунга қарамай бугунги кунда улар етишмаяпти. Бунинг сабаби кўпгина турар жой массивларида қурилиш нокомплекс олиб борилганидадир. Натижада шаҳар районлари бўйича савдо тармоқлари бир маромда жойлашмаган. Ҳозирги пайтда магазинлар тармоғини 2000 йилгача жойлаштириш ва ривожлантиришнинг бош схемаси ишлаб чиқилди. Шу муддатда савдо майдони 45 минг квадрат метрга кўпаяди. Чунончи, савдо майдонларининг Юнусобод, Қорақамиш, Сергели турар жой массивларида, Луначарское шоссесининг шимолида, авиасозлар шаҳарчасида, «Марказ — 26» микрорайонида кўпайиши режалаштирилмоқда. Бу йил «СГ—3» микрорайонида «Саноат моллари», Жуковский кўчасида «Маданий моллар», Боткин кўчасида «Озиқ-овқат» ва «Саноат моллари» магазинлари, Сергели —2 массивида универсам каби йирик магазинлар фойдаланишга топширилади.

**Бўлим фикри:** Янги микрорайонларда савдо объектлари қурилиши турар жой қурилишидан беш процентли ажратмалар ҳисобига олиб борилмоғи лозим. Бироқ, «Главташкентстрой» бу маблағни ҳамиша ҳам тегишли мақсад учун ўзлаштирмаяпти. Масалан, ўтган беш йилликда шу манба бўйича 27 минг квадрат метр савдо майдони олинмади. Бу йил ҳам ҳозирдаёқ бирмунча қолоқлик кўзга ташланмоқда. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

* * *

**Ўйлаймизки, харидорларнинг савдо ходимлари билан редакция телефонлари орқали суҳбати шаҳарликларга савдо хизмати кўрсатилишини яхшилашга ёрдам беради, министрликларга, идораларга боғлиқ масалалар ҳам ижобий ҳал этилади. Биз шу ташкилотлардан келган жавоблар билан оқшомхонларни таништирамиз.**

«Алло, редакциями!» телефони бўйича масъул навбатчилар:

В. ЛАПИНА,
О. КОСТИКОВА.



Сен унда зор, мен бунда зор...

С. Маҳкамов фотоэтюди.

01 хабар қилади

# Ичкилик касофати

Кўпинча шиша ичида жим турган «оқ арақ»ни ичишаётганда «мухлис»лар унинг қора ишларини ҳис этмайдилар ҳам. Бинобарин ҳар бир киши бу «ёвуз оғу»нинг ёмон оқибатларга олиб келишини яхши билади. Бироқ ҳали ҳам орамизда бу «ёвуз оғу» асирлари учраб турибди.

Шу йили Текстильная кўчаси, 117-уйнинг гражданин А. Куляпинга қарашли 12-квартирада бўлган ёнғин ҳам оқ арақнинг қора ишидир. Хонадон эгаси ўзига ичкиликбозликни касб қилиб олган, ҳеч қаерда ишламай, жамиятимизга бирор тайинлик наф келтирмай келаётган ҳамшишалари Р. Маматказин ва ремонт-қурилиш бошқармаси ишчиси А. Альмеддинов билан биргаликда кеч тунгача дилхушлик қилиб ўтиришган. Кайф устида кетма-кет сигарета чекиб, ўчирмасдан уни дуч келган жойга ташлашган. Натижада бу ёнғинга сабаб бўлди. Содир бўлган ёнғин маст «уч оғайни ботирлар» учун жуда қимматга тушди.

Гражданин А. Нуриллаевга қарашли Лабачев кўчасидаги 57-уйда, гражданин Г. Шубинга тегишли 4-Сарикўл проездидаги 31-уйда, Чилонзор турар жой массиви 15-кварталида гражданин Ю. Савченкога қарашли уйда бўлиб ўтган ёнғинлар, номлари тилга олинган шахсларнинг ичиб олиб чекишлари, ўзларини тута билмасликлари оқибатидир. Оқ арақ уларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказди.

Собир Раҳимов районида жойлашган «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5/11-нон цехида бўлиб ўтган ёнғин ҳам арақнинг қора ишидир. Бир қултум арақ Г. Тўлагановнинг ҳам эс-ҳушини ўғирлади. Унинг бунгача дуруст меҳнат қилганлиги инобатга олиниб, у етказган зарар ундириб олинди.

Юқорида келтирилган фактга «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари, партия ва комсомол комитетларининг масъул ходимлари қандай қарашар экан?

Ичкиликбозлик инсон саломатлигига зарар етказибгина қолмай, давлатимиз экономикасига ҳам талайгина путур етказади, социал ривожланишга тўсқинлик қилади. Ичкиликбозликка ҳамда ёнғинга қарши курашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундай экан, ҳар биримиз иш жойимизда, маҳалла-кўйда жамиятимиз учун мутлақо ёт бўлган бундай иллатга қарши курашмоғимиз лозим.

**Т. САМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг бўлим инженери.**

Бу—қизиқ

## «Атиргул» сири

**Дунёдаги энг мураккаб соат — Швейцариянинг «Омега» фирмаси инженери Доменико Роаза яратган «Атиргул» деб аталади. Асбоб Европа, Америка ва Австралиядаги қатор шаҳарлар вақтини, шунингдек Қуёш, Ой, сайёралар ва йирик юлдузларнинг жойлашган ўрнини ҳар лаҳзада кўрсата олади. Соатда жойлашган атиргул гулбарглари соат мили нечани кўрсатаётган бўлса, шунча мартаба очилиб ёпилади.**

**Фирма мутахассисларининг таъкидлашларича, соатсозлик техникасининг бу мўъжизаси сотиш учун эмас, чунки ноёб механизм 2000 йилнинг биринчи январидагина ошкор бўладиган сирга эга.**

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

# реклама ◦◦◦ эълонлар ◦◦◦ реклама

## «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

26 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ДА
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
«ПАХТАКОР» (Тошкент)— МАСК (Москва)
КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

## Футбол

ФУТБОЛ МАТЧИ БОШЛАНИШИ ОЛДИДАН СОАТ 16.00 ДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ ҚАМОЛИДДИН РАҲИМОВ ИЖРОСИДА ҚОНЦЕРТ.

**Футбол ишқибозлари учун стадион территориясида спорт товарлари савдо-ярмаркаси, салқин ичимликлар савдоси ташкил этилади.**

**«Пахтакор» Марказий стадионида мавсум учун абонементлар сотиш ҳамда олдиндан билет сотиш кассалари ишлайди.**

## ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАРИНГИЗ ВА ЯҚИН КИШИЛАРИНГИЗНИ БИРИНЧИ МАЙ ВА ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМЛАРИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТИШНИ УНУТМАНГ!

Барча алоқа бўлимларида турли хил ассортиментдаги байрам откриткалари сизларнинг ихтиёрингизда. Телеграммалар бадиий ишланган бланкаларда қабул қилинади.

**Бошқа шаҳарларга Биринчи Май байрами билан табриклантан қутлов телеграммалари қабул қилиш уларни манзилга етказиб бериш муддати билан 27 апрелдан бошлаб, маҳаллий доирада — 29 апрелдан бошлаб, Ғалаба байрами табриклари — бошқа шаҳарларга — 6 майдан бошлаб, маҳаллий доирада — 7 майдан бошлаб тўхтатилади.**

Телеграммаларни уйдан чиқмасдан туриб уй телефонингиз орқали 008 телефонига қўнғироқ қилиш йўли билан кредитга жўнатишингиз ҳам мумкин.

Телеграммани жўнатиш вақтида адресларда қабул қилиб олувчи ва жўнатувчига хизмат кўрсатаётган алоқа бўлимларининг номерларини кўрсатишни эсдан чиқарманг.

Почта жўнатмаларида қабул қилиб олувчи ва жўнатувчининг адресларида 6 рақамли почта индексини кўрсатишни унутманг.

Хатларни фақат 114х 162, 162х229, 229х324 мм. ҳажмдаги **стандарт конвертларда жўнатинг.**

ПОЧТА ВА ТЕЛЕГРАФ АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.**

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг**

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1986-1987 ўқув йили учун**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Ўқишга Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 8-10-синф ҳажмида маълумотлилар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади:** ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ УСТКИ КИЙИМЛАРИ, БОЛАЛАР ВА ЭРКАКЛАР КИЙИМЛАРИНИ ТИКИШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, ТИКУВЧИЛИК БУЮМЛАРИ КОНТРОЛЁРИ, ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ БИЧИҚЧИСИ, ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИНИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА.

**8-синф ҳажмида маълумотлилар 3 йил ўқийдилар ва улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ўқишни битирганларидан сўнг ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.**

**Ўрта маълумотлилар бир йил ўқийдилар ва уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади. Тикувчи ихтисосига эга бўлган ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 6 ой. Уларга ҳам 30 сўмдан стипендия тўланади.**

**Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.**

**ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.**

**Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирган ўқувчилардан 10 проценти олий ўқув юртлари ва техникумларида ўқиш учун йўлланма оладилар.**

**Ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашишлари ва санаторий-профилакторий ҳамда корхона медицина хизматидан фойдаланишлари мумкин.**

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:** билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, характеристика, таржимаи ҳоли.

**Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5«а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 3, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар, 2, 3, 25, 60э, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати). Телефон 33-19-24.

**Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги**
ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ
**1986-87 ўқув йили учун**
**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**КУНДУЗГИ БЎЛИМГА**

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА

китоб савдоси товаршунослиги, офсет босма технологияси, полиграфия машиналари ва ускуналари, ҳарф териш технологияси.

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА

китоб савдоси товаршунослиги, брошюра-муқовалар ишлаб чиқариш технологияси, ҳарф териш технологияси, офсет босма технологияси.

**СИРТҚИ БЎЛИМГА**

**8-синф ҳажмида маълумотлилар группасига** — ҳарф териш технологияси.

**Ўрта маълумотлилар группасига**— ҳарф териш технологияси, китоб савдоси товаршунослиги, полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш, брошюра-муқовалар ишлаб чиқариш технологияси.

ЎҚИШ МУДДАТИ: китоб савдоси товаршунослиги, полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш мутахассислиги бўйича: 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йилу 10 ой, ўрта маълумотлилар учун 1 йилу 10 ой.

**Кундузги бўлимга 1 июндан 31 июлгача, ўрта маълумотлилардан 1 июндан 14 августгача, сиртқи бўлимга эса 3 майдан 10 августгача аризалар қабул қилинади.**

ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

**8-синф ҳажмида маълумотлилар** — она тили (диктант), математика (оғзаки); **ўрта маълумотлилар** она тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки).

«Ҳарф териш технологияси», «Брошюра-муқовалар ишлаб чиқариш» мутахассислигига кирувчилар мактабни фақат «4» ва «5» баҳоларда битирган бўлсалар имтиҳонларсиз қабул қилинади.

ЭСЛАТМА: китоб савдоси товаршунослиги мутахассислиги бўйича 2-курсга кирувчилар математика ўрнига тарих фанидан имтиҳон топширадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ: **кундузги бўлимда — 1 августдан 21 августгача, сиртқи бўлимда 10 июндан 20 июнгача, 10 июлдан 20 июлгача, 10 августдан 20 августгача.**

**Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** директор номига ариза (танланган мутахассислигини кўрсатиб), маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У формадаги медицина справкаси, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), меҳнат дафтарчасининг нусхаси (ишловчилар учун), иш жойидан йўлланма.

**Техникумга кирувчилар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани шахсан кўрсатадилар.**

**Қабул қилинганлар умумий асосда стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.**

Техникумнинг адреси: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси. 30-«а» уй (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 28, 43, 64, 65, 91-автобуслар; 2, 7, 8, 14, 18-троллейбусларнинг «Комсомол майдони» («Хадра») ёки «Марказий телеграф» бекатлари).

## Хонатлас жозибаси

**Хонатлас майинлиги, гулининг шўхчанлиги, рангининг оловдек товланиши билан ҳамиша аёллар диққатини жалб этади. Бу мато ҳозирги замон модасининг талабларига ҳам тўла жавоб бера олади.**



**Бироқ хонатласдан тиктириладиган либоснинг фасони мураккаб бўлмаслиги лозим. Аксинча қанчалик содда бўлса, шунча яхши. Бичиқнинг соддалиги, кўркамлиги, майинлиги —замонавий мода талабидир.**

Баҳор либослари учун шойи газлама танлаётганда эътиборни хонатласга қаратинг. Бундай матодан ҳар куни ва байрамлар учун либослар, шунингдек сарафанлар, бир неча буюмдан иборат замонавий либосларни тиктириш мумкин. Бу газламанинг хусусиятини яхши ўрганиб чиққан модельерлар тиктириладиган либосларни қат-қат букламалар ҳосил қилишни маслаҳат бермоқдалар.

**«Таштекстильшвейторг» магазинлари табиий ва сунъий шойидан тўқилган ранг-баранг тусли, оқ-қора, оқ-қизил тусли хонатласларни харидорлар диққатига ҳавола қилади.**

**«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ АДРЕСИ:**

1—Ш. Руставели кўчаси, 13-уй;
3—Чехов кўчаси, 4-«а» уй;
8—Муқимий кўчаси, 23-уй;
10—Олой бозори;
15—2/4-Қорақамиш массиви, 45-«а» уй;
12—М. Горький проспекти 54-уй.
11-Оҳангарон шоссеси, 2-уй;
55-Пограничная кўчаси;
28-Госпиталь бозори;
31-Сергели микрорайони, 3-уй.

**«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-18-51).**

## Эркакларга аталган

**«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ**

## 1-МАГАЗИНИДА

**эркаклар баҳор фаслида киядиган либослар сотувга қўйилган.**

**КОСТЮМЛАР—турли хил рангда, баҳоси 79 сўмдан 120 сўмгача;**

**ШИМЛАР—турли хил рангда, модали қилиб тикилган, баҳоси 20 сўмдан 30 сўмгача;**

**ШИМЛАР — «ОРБИТА» жинси газламасидан тикилган, баҳоси 12 сўмдан 32 сўмгача;**

**КЎЙЛАКЛАР —ип-газлама ва аралаш матолардан тикилган, баҳоси 8 сўмдан 12 сўмгача;**



Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 13-уй. Ишлаш тартиби —соат 10.00 дан 20.00 гача, танаффус —соат 14.00 дан 15.00 гача. душанба— дам олиш куни.

**«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-93-02).**

## Кўркам дарпардалар

**Улар квартирангиз хоналари ҳуснини очиб файзли қилади. Дарпардаларни шойи, ип-газлама, зиғир толаси матоларидан тикиш мумкин.**



Бу газламалар ранг-баранг тус ва ҳар хил жозибали гулли қилиб чиқарилмоқда. Шунинг учун ҳам уларни танлаганда мебеллар ғилофи, девор бўёқларининг рангига мос келишини унутманг.

1 метр газламанинг баҳоси 3 сўм 50 тийиндан 12 сўмгача.

**Марказий универсал магазинда ранг-баранг газламалар сотувга қўйилган.**

**ЦУМ (телефон 56-77-91).**

**«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).**

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Аида**, 27/IV да **Оққуш кўли** (12.00), **Иоланта** (19.30).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —25/IV да **Зебуннисо**, 26/IV да **Отелло**, 27/IV да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/IV да **Паранжи сирлари**, 26/IV да **Чароғондир чўлда юлдузлар**, 27/IV да **Комедия... Комедия... Комедия...** (спектаклардан парчалар).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА— 25/IV да **Беш кунлик куёв**, 26/IV да **Майсаранинг иши**, 27/IV да **Саводсиз мунажжим.**

## КИНО

**25 АПРЕЛДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ОДЕССА ЖАСОРАТИ» —**Санъат саройи** (кичик зал, телефон 44-21-34, 44-21-44).

«ҚЎРҚУВНИНГ БЕШ ДАҚИҚАСИ» —**Ватан** (18, 20, 21.30; телефон 74-30-38), **Чайка** (17, 19, 20.45; телефон 77-06-20).

«ИЛОН ТУТУВЧИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (17, 19, 21.00; телефон 53-65-87), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, 96-34-02), **Тинчлик** (17, 19, 20.45; телефон 58-36-06).

«222-РЕЙС»— **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚОПҚОН» — **М. Шайхзода номли** (16, 19.30, 20.45).

**26 АПРЕЛДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ОДЕССА ЖАСОРАТИ»— **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, телефонлар: 44-21-34, 44-21-44), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ҚЎРҚУВНИНГ БЕШ ДАҚИҚАСИ» — **Ватан** (12, 14, 16, 18, 20, 21.30; телефон 74-30-38), **Чайка** (11, 13, 15, 17, 19, 20.45; телефон 77-06-20).

«ИЛОН ТУТУВЧИ» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (13, 15, 17, 19, 21.00; телефон 53-65-87), **Тинчлик** (13, 15, 17, 19, 20.45; телефон 58-36-06).

«222-РЕЙС» —**Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚОПҚОН» — **М. Шайхзода номли** (13.30, 16, 19.30, 20.45).

## ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Тошкентда биринчи марта «Москва муз устида цирк» коллективининг томошалари** (19.30).

## «ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
**26, 27 апрель соат 19.00 да**
СССР ХАЛҚ АРТИСТИ, ТОЖИК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ СОЛИСТИ
Жўрабек МУРОДОВ

## Концерти

**Билетлар Сарой кассаларида соат 14 дан 19.00 гача сотилмоқда.**

## ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

**Марказий павильонининг саноат, халқ истеъмоли буюмлари, халқ маорифи, фан, маданият, оммавий ахборот ва коммуникация воситалари, соғлиқни сақлаш ва спорт бўлимларида, пахтачилик, озиқ-овқат комплекси, ирригация, тармоқлараро кўргазмалар павильонларида**

«СЪЕЗДДАН СЪЕЗДГАЧА»
ТЕМАТИК
ЭКСПОЗИЦИЯЛАРИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

**Фактларга асосланган материаллар ва кўп сонли экспонатлар ўн биринчи беш йиллик топшириқларининг бажарилиш якунлари ва ўн иккинчи беш йиллик истиқболларини ифодалайди.**

**34-40-40 телефони орқали коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.**

Тошкент давлат университети журналистика факультети коллективи факультет кино-телелабораториясининг мудири Ғ. Назаровга онаси

**Муҳаррам НАЗАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р— 12713. Газета бир йилда 300 марта чиқади. Тираж 52. 131. Б—2099. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.